

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда бошқа иншоотларни жорий таъмирлаш бажариш бўйича № 37 сонли ШАРТНОМА

2022 йил «19» август

Фурқат тумани

Икки томонлама ҳужалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи NAVBAHOR GOLD STROY INVEST MCHJ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Д.Отажонов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фурқат тумани МТБ номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Д.Қодирова ўрталарида № 22110012133273 сонли лотга асосан куйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуҳсон далолатномалари ва лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
Фурқат тумани 49 МТТ бошқа иншоотларни жорий таъмирлаш
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 59900000 сўм, (эллик тўққиз миллионтўққиз юз минг) (рақам ва сўм билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Бажариладиган бошқа иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан эпоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Бошқа иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 15 кун (ун беш)

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бошқа иншоотларни жорий таъмирлаш учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси,счёт-фактура ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган бошқа иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 60 кун ичида амалга оширади.
- 2.3. Бино иншоотларни жорий таъмирлаш бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлар чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жалоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми«Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун«Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
- 3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларни нуҳсон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа тегишли ҳужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.
- 3.5 Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харажатлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши кўшимча шартлар белгиланади .
Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи лудратчи ташкилотлар агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларга риоя этилмаганда иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришига бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришга талаб қилишга ҳақли бўлади

4. Жарималар қўланилиши

- 4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуҳсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50%, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун муддатида бажарилмаган ишларни кийматини 0,5% миқдорида, лекин кечиктирилган ишлари кийматини 50% дан ошмаган миқдорда «Буюртмачи»га пеня тулайди.

- 4.3 Агар «Буюртмачи» қабул қилиб олинган бошқа шартномаларни жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддатларда асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаса, «Буюртмачи» муддати утган ҳар бир кун учун тўлови кечиктирилган суммадан 0.4 % миқдорда, лекин кечиктирилган туловни суммасини 50% дан ошмаган миқдорда «Иш бажарувчи» пеня тулайди.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. <Форс-мажор>

- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, zilзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1 Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил « 31 » декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан маъмур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайтиши еки кўпайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда.
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.
- 7.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли фазначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли фазначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаганда хужалик суди орқали хал қилинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари:

«Иш Бажарувчи»

NAVBAKHOR GOLD STROY INVEST MCHJ

(мод етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фуркат тумани

Тел./факс 94 552 00 08
х/в 20208000300996961001

Банк номи

МФО _____ СТИР 306072413 _____

ОКОНХ _____

«Буюртмачи»

Фуркат туман МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Кичик-янгى шаҳарқеи:

Тел./факс
ш/х* 100022860302387091100251001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 305153794
ОКОНХ 92400

Фазначилик бўлинимаси номи: Фуркат тумани
бўйича Фазначилик бўлинимаси
ИФХ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий

банкнинг Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014

Фазначилик бўлинимаси СТИР: 201 122 919



Рахбар

Д. Отажонов
(Ф.И.Ш)

(ИМЗО)

М.Ў:



Рахбар

Д. Қодирова
(Ф.И.Ш)

(ИМЗО)

М.Ў:



Yuridik shaxs (tadbirkorlik sub'yekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVONOMA

Yuridik shaxs "tadbirkorlik sub'yekti" tuzatib davlat ro'yxatiga

NAVBAخور GOLD STROY INVEST Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik sub'yekti tashkiliy-hududiy shakli ko'rsatilgan holatgi to'la nomi)

NAVBAخور GOLD STROY INVEST MChJ

(Yuridik shaxsning asosdastgari nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

01.02.2019

678011

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana o'zgarib ketgan yil)

Sotq to'lovining identifikatsiya raqami (STIR):

306072413

Tashkiliy-hududiy shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi

Farg'ona viloyati, Furqat tumani, NAVBAخور SHAXARCHASI,

Guvonoma:

Farg'ona viloyati; Furqat tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'la nomi)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
FURQAT TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151700, Furqat tumani, Mevazor ko'chasi, 20-uy,
Tel. (99873) 549 12 47, e-mail: furqat-yurimarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HYJJATLARNING QONUN
HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA

22.08.2022 yil

Furqat tumani

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Furqat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi nomidan rahbari D.Qodirova va "NAVBAKOR GOLD STROY INVEST" MChJ nomidan rahbari D.Otajonov o'rtasida budjetdan mablag' oluvchi muassaslarda boshqa inshootlarni joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi № 37-sonli shartnoma

3. Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi 2022-yil 19-avgust kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 19-avgust kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasini o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun hamda boshqa qonun hujjatlari talablari asosida ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

Xulosa qilaman:

Furqat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan 49-sonli DTMni boshqa inshootlarida joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi № 37-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti



M.M.Axmedov

ТАСДИҚЛАЙМАН

Фурқат тумани МТБ мудираси



Д.Кодирова

“ 19 ” август 2022 йил

Фурқат тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 49-сонли ДМТТ бошқа иншоотларини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил бюджетдан (ШХР 100022860302387091100251001) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йигилиш

БАЁНИ № 19

Қатнашдилар:

Комиссия раиси Ю.Аликулов Фурқат тумани МТБ камунал хизматлар бўйича мутахассис
Комиссия аъзолари — М.Сотволдиева МТБ бош ҳисобчиси

А.Тургунов Фурқат тумани МТБ муҳандиси,

Д.Муротова Фурқат тумани МТБ ҳисобчиси

Г.Хошимова давлат харидлари ва шартномалар бўйича ҳисобчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684 сонли *"Давлат харидлари тўғрисидаги"* ги қонунига мувофиқ 5 август 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 133273 рақамли Фурқат тумани МТБ тасарруфидаги 49-сонли ДМТТ бошқа иншоотларини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 05.08.2022 йилдан 12.08.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган.

Ушбу эълон бўйича 12.08.2022 йилгача 2 нафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди.Жумладан:

НИГОХ МЕДИЯ МОБИЛ Х К

NAVBAHOR GOLD STROY INVEST MCHJ

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 15.08.2022 йил куни баҳоланган ва 2 иш кунини мобайлида муҳокамага қўйилган. 19.08.2022 йил кунигача 2 иш кунини мобайлида эътирозлар келиб тушмади. 19.08.2022 йил куни МТБ тасарруфидаги 49-сонли ДМТТ бошқа иншоотларини жорий таъмирлаш ишлари бўйича голиб деб топилган NAVBAHOR GOLD STROY INVEST MCHJ билан шартнома имзоланишига келишилди

МТБ Комиссия раиси :

Ю.Аликулов

Фурқат тумани МТБ муҳандиси:

А.Тургунов

Фурқат тумани МТБ бош ҳисобчиси:

М.Сотволдиева

Фурқат тумани МТБ ҳисобчиси

Д. Муротова

МТБ Давлат харидлари ва шартномалар бўйича ҳисобчи

Г.Хошимова